



## ШАРТНОМА №3

«28» январ 2022 йил

Термиз шаҳри

«Sina Diyori Yuksalish LTD» маъсуляти чекланган жамияти бундан буён «Таъминотчи» деб аталувчи, раҳбари З.Исаев Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Вилоят ҳокимлиги Расмий Мехмонлар Кабуллар уйи бундан буён «Истеъмолчи» деб аталувчи, раҳбари Н.Равшанов Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар

### 1. Шартнома предмети

1.1 «Таъминотчи» «Истеъмолчи» эҳтиёжи учун лозим бўлган товар-моддий бойликларни етказиб беради, «Истеъмолчи» эса товар-моддий бойликларни қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

### 2. Товар моддий бойликнинг нархи ва умумий қиймати

2.1 Товар моддий бойликнинг қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади

№	Товар моддий бойликнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий суммаси
1	КМП-80А РТП IP65	дона	5	365 000,0	1 825 000,0
2	КМП-100А	дона	5	400 000,0	2 000 000,0
3	BA77M250	дона	5	332 000,0	1 660 000,0
4	Автомат 3x-47-63	дона	10	47 500,0	475 000,0
5	BA47-100	дона	10	65 500,0	655 000,0
6	Автоматический выключатель BA88-35IK	дона	10	255 000,0	2 550 000,0
	<b>Жами:</b>	х	х	х	<b>9 165 000,0</b>

2.2 Шартнома умумий суммаси

9 165 000

Туккиз миллион бир юз олтмиш беш минг сум

ташкил қилади (5% ссз).

2.3 «Таъминотчи» товар моддий бойликларнинг қиймати нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Истеъмолчи»га олдиндан хабардор қилиб, товар моддий бойликнинг ўзгарган нархини асослаган ҳолда сотади.

2.4 «Истеъмолчи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида амалга оширади.

### 3. тўлов шартлари

3.1 Шартнома умумий суммасининг 30 % микдориди 10 банк кунида «Таъминотчи»нинг махсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 Товар моддий бойликлар тўлик етказиб берилгандан сўнг ҳисоб фактура асосида 20 банк кунида қолган 70% тўлов "Таъминотчи"нинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

3.3 «Истеъмолчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Таъминотчи» шартномада кўрсатилган маҳсулотларни бермаслигига ҳақли бўлади.

3.4 «Таъминотчи» томонидан товар моддий бойликларни ўз вақтида етказиб бермаса, бунинг натижасида иккинчи томон жиддий зарар кўрса бир томонлама шартномани бекор қилишга асос бўлади.

### 4. Товар моддий бойликни етказиб бериш тартиби

4.1. Товар моддий бойликни белгиланган вақтда «Истеъмолчи», «Таъминотчи»нинг омборхонасидан олади.

4.2 Товар моддий бойликларни етказиб бериш тартиби ушбу шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан сўнг 15 банк иш кунида бажарилиши шарт.

4.3. Товар моддий бойликни тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилгандан сўнг Адлия вазирлигининг 27.05.2003 йилдаги №1245-сонли курсатма (тартиб)га асосан маҳсулот олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида чиқарилади

4.4. Ишончнома нотўғри расмийлаштирилган ҳолда «Таъминотчи» товар моддий бойликларни чиқаришдан бош тортишга ҳақли.

4.5 «Истеъмолчи» товар моддий бойликларни «Таъминотчи»нинг омборидан олиб кетиш харажатларини ўз зиммасига олади.

### 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

- Олдиндан шартноманинг 3,1 банди амалга оширилгандан кейин, «Истеъмолчи»га шартномада кўрсатилган товар моддий бойликни етказиб беради;
- «Истеъмолчи»га товар моддий бойликнинг сервис китобчасини, паспортини, счет-справкасини ва ярқилик сертификатидан нусха тақдим қилади;
- Товар моддий бойликлар етказиб келинганлиги ҳақида «Истеъмолчи»ни хабардор қилади.

## 5.2 «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

- Товар моддий бойликни қабул қилиб олгунча «Таъминотчи»нинг омборхонасини обдон кўздан кечирадиган ва унинг сифатига, бутлигига, яроқлилигига эътибор беради;
- Агар товар моддий бойлик талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлиб истеъмолга яроқсиз бўлса «Истеъмолчи» қабул қилмасликга ва
- Товар моддий бойлик «Таъминотчи»нинг омборхонасидан «Истеъмолчи» томонидан қабул қилингандан кейин жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» томонига ўтади.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.
- 6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Истеъмолчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 микдорда, лекин шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаган микдорда пеня тўлайди.
- 6.3. Товар моддий бойликни етказиб беришни кечиктирилганлиги учун «Таъминотчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % микдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.
- 6.4. «Истеъмолчи» томонидан товар моддий бойлик ишлатилиши жараёнида содир этилган қонун бузилиш ҳоллари учун «Таъминотчи» мажбурият олмайди.
- 6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.
- 6.6 Шартномани бажаришдан (шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари) бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.
- 7.2. Томонлар ўртасада шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлангириш ва даъво ҳатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди орқали ҳал қилинади.

## 8. Қўшимчалар

- 8.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.



## Форе- мажор

- 10.1 Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайди.

## 10. Шартноманинг амал қилиш муддати


- 9.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва « 31 » декабр 2022 йилгача амалда бўлади.
- 9.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

## 11. Томонларнинг юридик манзили

«Таъминотчи»	«Истеъмолчи»
«Sina Diyori Yuksalish LTD» масъулияти чекланган жамияти	Номи: Вилоят ҳокимлиги Расмий Мехмонлар Қабуллар уйи
Манзил: Денов тумани МФЙ	Манзил: Термиз тумани Солибод маҳалласи
X/р: 20208000205206932001	X/P23402000300100001010
Банк АТИБ «Ипотекабанк» Сурхондарё филиали	Банк Тошкент ХККМ МБ МФО00014
МФО: 00356, ИНН: 307 297 804 ОКЭД: 47240, Телефон: +998 90 266 00 07 +998 90 266 55 57	МФО: 00356 ИНН: 207152497
Раҳбар:  З.Исаев	Ш/в100021860222207013902018001 Раҳбар:  Н.Равшанов

Юрист вазаси: Мен Мелия бажармаси нинг юристи ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишигини аниқладим:

" 28 " 01 2022 йил.



Ғафурдинов Б.К.  
(Ф.И.Ш.)